

АБУ ҲАФС УМАР НАСАФИЙНИНГ ТАФСИР АСАРИ ҲАҚИДА

Комилов Илҳом Икром Ўғли
Учтепа тумани “Ҳазрати Али” жомеъ
масжиди имом-ноиби

Аннотация: Ушбу мақолада ватандошимиз Абу Ҳафс Насафийнинг яқин-яқингача қўўпчилик маълум бўлмаган аммо тафсир манбалари орасида алоҳида нуфузга эга бўлган “Ат-Тайсир фит-тафсир” номли асари ва унинг юртимиз китоб фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Насафий, қўлёзма, таъвил, тафсир, мажмаъул-улум, акмал, атвал.

Ҳанафий уламолар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи табакотларда Абу Ҳафс Насафий қўпроқ фақих, муфассир сифатида тилга олинади. Чунки унинг асарлари, асосан, ушу соҳаларга тегишли бўлиб, улар ислом оламида кенг тарқалган. Имом Абу Ҳафс Насафийнинг Мовароуннаҳр тафсиришунослиги ривожига қўшган ҳиссалари у зотнинг бу борада ёзган асарларида намоён бўлади:

Олим С.Муҳаммадаминовнинг “Абу Ҳафс Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг марказий осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири- XII аср ўрталари)” мавзуидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида Абу Ҳафс Насафийнинг “Ат-Тайсир фит-тафсир” асар ҳақида қўйидига маълумотларни келтиради: “Насафийнинг «Тайсир фит-тафсир» (“Тафсирни енгиллатувчи”) деб номланган асари ислом оламида машҳурдир. Ушбу асарнинг кўплаб нусхалари дунё кутубхоналарининг қўлёзма фондларида сақланади¹. Шунингдек, бу асар “ал-’Акмал ал-’атвал” номи билан ҳам юритилади². Асарнинг форс тилидаги нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, у қачон ёзилган ва бу таржимами ёки йўқми деган, саволлар ҳозирча жавобсиз қолмоқда³. Насафийнинг ўзи ҳам форс тилида асарлар ёзган, хусусан, “Матла‘ ан-нужум” тўпламидан ўрин олган айrim мавзулар, жумладан, тасаввуф, ҳадис, шеърият бобларини кўп ўринлари форсий тилда баён қилинган. Шунингдек, муаллиф даврига келиб, ислом илмларига доир бир қанча асарлар форс тилида ҳам ёзилди. Зоро, Насафийнинг форс тилида ёзилган «Тафсир-и Насафий» номли асари ушбу ҳудудда дастлабки форс тилида

¹ Ал-Фиҳрист аш-шомил ли-туроҳ ал-арабийа ал-исломийа . Тузувчиси: ‘Абдуллоҳ ал-Жубурий - Уммон, 1409/1976. – Б. 151.

²Ўша асар. –Б. 151;

³ Фиҳрист микрофильмҳои кутубхона-и маркази ва маркази устод донешгоҳ. Тузувчиси: Муҳаммад Тақий Дониш Сарзе. – Техрон, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 249; Фиҳрист нусхехоий хатти форсий. Тузувчиси Аҳмад ал-Мунзавий. - Техрон, 1348. Жилд I, – Б. 19.

ёзилган тафсирлардан бири бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Муаллифнинг форс тилидаги мазкур асари Эронда нашр қилинган⁴.

Абу Ҳафс Насафийнинг араб тилида ёзган “ат-Тайсир фит-тафсир” тафсири ҳанафийя мазҳаби асосида ёзилган бўлиб, афсуски, шу вақтгача тўлиқ илмий тадқиқ қилинмаган. Насафий баъзи оятларни шарҳлашда Калбий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул-Қосим ал-Қушайрий ва устози Абу Муҳаммад Исмо‘ил ибн Муҳаммад ан-Нуҳий каби уламоларнинг фикрларига таянади ва улардан иқтибослар келтиради⁵. Ҳозирги кунда ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида асарнинг 7 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда⁶. Абу Ҳафс Насафийнинг Қуръони каримга араб тилида ёзилган алоҳида 4 жилдли “ат-Тайсир фит-тафсир” (“Тафсирда енгиллик”) номли тўлиқ тафсири борлиги маълум бўлса-да, афсуски, ҳозирги кунгача илмий тадқиқотларга жалб қилинмаган. ЎзР ФА ШИ институти қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг турли жилддаги еттита нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти мўғуллар даврида кўчирилган⁷. Бу эса мўғуллар даврида Насафийнинг асарлари унинг издошлари томонидан маҳаллий таълим тизими доирасида узлуксиз ўқитилиб борилган, деган фикрга келишга асос бўлади^{8,9}.

Имом Умар Насафийнинг ушбу асари борасида тарожим китобларида маълумотлар жуда ҳам кам келтирилган. Мазкур асар замонавий кўринишда нашр қилинган эмас. Шунингдек, шу илмий иш қилиш жараёнида шуни гувоҳи бўлиндики, бу асарнинг таҳқиқ ёки тадқиқ қилинган варианти топилмади. Фақатгина Яхё ибн Али Фақихий докторлик ишида шу асарни ўрганиб чиққани интернет орқали олинган маълумотларда келтирилган. Мазкур асарнинг номи турли кутубхоналар фондида икки хил келтирилган:

1. “Ат-тайсир фит тафсир”
2. “Ат-тайсир фи илмит тафсир”.

Шунингдек, бу асарнинг кутубхоналар фондида барча нусхалари тўлиқ ҳолатда эмаслиги аниқланди.

Масалан: Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондининг асосий фондида қуйидаги

⁴ Абу Ҳафс Нажм ад-дин ‘Умар Насафий. Тафсир Насафий. Нусха-йи маҳфуз дар кутубхона-айи Остон Куддус радва. Ба тасхих дуктур ‘Азиз Аллоҳ Жувайнин. Интишорот жунайод Фарҳанг-и Эрон. 1- жилд. Аз “Сура-йи Хамд то “Сура-йи Анбийо”. 1353 й; 2-жилд. Аз “Сура-йи Хаж” то “Сура-йи Нос”. 1356 й. Лекин, китобнинг ношири ан-Насафий мазкур асарни қачон ёзгани ҳамда тафсирни нашрга тайёрлашда қайси қўлёзма нусхалардан фойдаланган ҳакида батағсил маълумотларни бермаган.

⁵ ат-Тайсир фи-т-тафсир. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 7124. –Вв. 199⁶, 204⁶.

⁶ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №№ 7124, 4789, 11922, 3150, 3231, 3164, 5265.

⁷ СБР IV, №№ 2872 – 2874. Шунингдек, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг тадқиқ қилинаётган “Матла‘ ан-нужум” асари ҳам мўғуллар даврида кўчирилганини эслатиб ўтиш лозим.

⁸ Маълумки, ҳар бир олимнинг асари (ёки таълимоти) кенг тарқалишида шогирдларнинг роли бекиёс бўлган.

⁹ Муҳаммадаминов Сайдакбар Абдурашидович. “Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг марказий осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири– XII аср ўрталари)”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Б. 38, 39.

рақамлар остида сақланмоқда:

1. 7124/6 - бу нусхада Оли Имрон сурасидан Аъроф сурасигача ёзилган.
2. 3150 - бу нсхада Роъд срасидан Фурқон сурасигача битилган.
3. 3231 - бу нусхада Юсуф сурасидан Мурсалат сурасигача ёзилган.
4. 5265
5. 4789
6. 11922

Асарнинг Саудия Арабистони “King Saud University” кутубхонаси фондида 4923-рақам (иловада келтирилган) остидаги нусхаси таҳминан ҳижрий 13-асрга тегишли бўлиб, “насх” хат турида ёзилган. Ўлчами 27\18 см. Бу асарнинг биринчи жузи бўлиб, унинг муқаддимаси ҳам мавжуд. Чунки ЎзР ФА ШИнинг қўлёзмалари: №№ 7124, 4789, 11922, 3150, 3231, 3164, 5265 нусхаларида эса асарнинг муқаддимаси йўқ.

Асарнинг Саудия Арабистони “King Saud University” кутубхонаси фондида 4923-рақам (иловада келтирилган) остидаги нусхасида биринчи жузнинг 68 сахифаси келтирилган. Охирида муаллиф “Бу биринчи жуз бўлиб, Қуръоннинг аввалидан “Бароа” сурасигача, 540 вароқдир”, деганлар¹⁰

¹⁰ Нажмиддин Насафий. “Ат–Тайсир фит–тафсир”. “King Saud University” қўлёзмаси. № 4923. – Б. 67.